



HURRIYAT

O'zingizning tili!

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 7-iyul, chorshanba • № 28 (679) • 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

ОҚ ЙЎЛ СЕНГА, ЁШ АВЛОД!


Бу йил Фаргона вилоятидаги 116 та касб-хунар коллежини 42349 ўқувчи муваффақиятли тамомлаб, бир неча ихтисослик бўйича мутахассислик дипломинини олди. Катта ҳаёт бўсағасида турган бу йигит-қизларнинг бир қисми олий ўқув юртида ўқиш истагини билдирган бўлса, бошқалари ишлаб чиқариш жамоаларида ўз ихтисосликларини бўйича ишга жойлашиш иштиёқиди.



2-бет

ТАБИАТ — БЕНАЗИР САХОВАТ

Инсон табиат гултожи саналади. Шундай экан, унинг ҳар бир ҳаракати ортида она табиатга бўлган чексиз муҳаббат ва шукроналик нафаси уфуриб туриши лозим эмасми?!



5-бет

АВЛОДЛАРГА МЕРОС ХАЗИНА

Ҳеч қандай замонавий восита китобнинг ўрнини боса олмайди. Ундан ташқари, ҳозирги кунда электрон кутубхоналар яратилмоқдаки, интернет орқали ҳам китоб ўқиш мумкин. Энг муҳими, инсонда хоҳиш бўлса бас.



8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

1 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорни матбуотда эълон қилинди.

5 июль куни давлатимиз раҳбари Ислам Каримов "Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Оқсаройда Индонезия Республикаси, Миср Араб Республикаси ва Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва муҳор элчилари этиб тайинланган — Мохаммад Асрухин, Муҳаммад Абдулқодир ал-Ҳашноб, Франсуа Готье ишонч ёрликларини тоширдилар.

1 июль куни Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Франция ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикасининг Панхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Нукуснинг мафтункор жамоли

Истиқлолнинг 19 йиллиги яқинлашгани сайин қалбларимизда шу юрт фуқароси бўлганимиздан фخر-ифтихор туйғулари жўш уради. Юртимизга, бунёдкор халқимизга меҳр-муҳаббатимиз ошади. Мустақиллик йилларида катта ўзгаришларни, янгиликларни, улкан қурилишларни амалга оширган мардондор халқимизни ҳар қанча модҳ этсак, арзийди. Вақт нуқтаи назаридан катта муддат бўлмаган 19 йил ичида мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, янада гўзаллашиб кетди. Бунинг Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти — Нукус шаҳри мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Бугун бу ерда амалга оширилган ва айни пайтда ҳам изчил давом эттирилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб кўз қувонади, дил яйрайди.

— Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши давлатимиз тараққиётида янги тарихий босқич бўлди, — дейди Нукус шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Исметов. — Истиқлол-

нинг дастлабки кунлариданоқ нукусликлар ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги чуқур ислохотларни амалга оширишга киришдилар. Шаҳар аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш

ва турмуш даражасини юксалтириш, маҳаллаларни ободонлаштириш, кўчалар-зорлаштириш, боғлар, хиёбонлар барпо этиш, янги бинолар қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу давр ичида шаҳримизда Тошкент давлат аграр ва Тошкент ахборот технологиялари университетлари, Тошкент тиббиёт-педиатрия ҳамда Ўзбекистон давлат санъат институтларининг филиаллари очилди. Замон талабларига мос қилиб қурилган 20 та касб-хунар коллежи, 5 та академик лицей бугун қорақалпоқ ёшларининг маънан баркамол йигит-қизлар бўлиб вояга етишига замин ҳозирламоқда.

Бугун олий таълим муассасаларида 14 минг, касб-хунар коллежларида 23 минг, академик лицейларда эса 5 мингдан зиёд

ёшлар илм-фан ва касб-хунар сирларини ўзлаштирмоқда. Шаҳарда янгидан 4 та мактаб, 2 та поликлиника, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази ва Тошкент акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг Нукус филиали ташкил этилиб, аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Кейинги йилларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати тобора яхшиланиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунда шифохона ва поликлиникаларнинг ривожланган хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган тиббий жиҳозлар билан таъминланаётгани муҳим аҳамият касб этаётди.

Таъкидлаш жоизки, Нукус шаҳрида маданият ва санъат ишларини янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Янги барпо этилган давлат санъат музейи ва республика Улқашунослик музейи бугун бу юртининг маданий ҳаёти ҳақида етарли тасаввур уйғота олади.

Мустақиллик майдонидаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги муҳташам биноси шаҳарга ўзгача ҳусн бериб турибди, десак, янгилишмаймиз. Буюк шоир Бердақнинг ушбу гўзал бино олдида қад ростлаган ҳайкали ҳам гўё "Йигит бўлсанг арслондек туйилган, Хизмат этгин ҳамма вақт халқ учун", дегандек виқор билан турибди. Шаҳарда аллома Мирзо Улуғбекка, шоир Ажиниёзга ҳам ҳайкаллар ўрнатилган.

Ёшларнинг спорт соҳасидаги ютуқлари янада салмоқли бўлиши учун барча шароитлар мавжудлигини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир. Янги қурилган Олимпия заҳиралари ва Нукус спорт коллежлари, ёпиқ теннис корти, спорт манежи, кураш спорт зали, «Орол» ва «Амударё» сузиш бассейнлари, 20 дан зиёд спорт майдончалари болалар ихтиёрида. Мустақиллигимиз шарофати билан Е.Кутибоев, Н.Ҳўжабоев, А.Ешатаев, Н.Қозоқова, А.Крабов, Н.Гадаева, Б.Мендибаев каби нукуслик моҳир спортчилар мамлакатимизни дунёга танитишга ўз ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

(Давоми 2-бетда.)



Газета "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

МУНОСАБАТ

Эзгуликка рағбат

Кунини кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Юртбошимизнинг ушбу Фармонида кўра мукофотга сазовор бўлганлар орасида турли касб эгалари қатори журналист ҳамкасбимиз — Пахтаобод тумани «Давр сабоси» газетасининг бош муҳаррири Замирахон Кимсанова ҳам бор.



— Шу йил 11-15 июнь кунлари Қирғизистоннинг Уш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган хунрээликлар бутун халқимизда катта ташвиш ва безгакчилик уйғотди, — дейди З.Кимсанова. — Ушбу фожиалар тўғрисида нафақат осуда турмуш ва хотиржам ҳаётдан, айни пайтда яқинларидан, уй-жойи, мол-мулкидан маҳрум бўлган ва юртимиздан вақтинча паноҳ топан минг-минглаб жабрдиданларга ҳар томонла-

ма ёрдам бериш, оғир дамларда қўллаб-қувватлаш борасида бутун халқимиз, жумладан, Андижон аҳли ҳам юксак инсонпарварлик, бағрикенглик ва меҳр-мурувват фазилатларини амалда яна бир бор намоеён этди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ўша кунлари Президентимиз Ислам Каримовнинг жасорати ва чексиз ғамхўрлиги, ҳар қандай вазиятнинг ўз вақтида чуқур идрок эта билиши тўғрисида

қочоқларга мамлакатимиз чегара ҳудудларига ўтиши учун йўл очиб берилганининг ўзиёқ инсонпарварликнинг олий намунасига айланди. Чунки бу билан, авваламбор, минглаб беғуноҳ жабрдийда аёллар, норасида гўдақлар, оғир ярадорларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ўша таҳликали дамларда миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам тизимлари гўёки соат милларидек аниқ ва бенуқсон ишлади.

3»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ёзувчи ва шoirларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндalarини "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда биз учун энг буюк, энг азиз қадрият, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаси — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуғ, энг азиз» аънавий танловига таклиф этади.

Танловга "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Такдим этиладиган асарларда Ватанимизнинг ўн тўққиз

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоеён этишининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамлиб бораётганини, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва аъналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан қак-

дири ва истиқболга дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шoirларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио иходкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга такдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг паспорти нусхаси;

— иш жойидан тавсиянома;

— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари. Танловга 2009 йилнинг 1 августидан 2010 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, эълон қилинган тасвирий санъат ва экранларда намойиш этилган кино санъати асарлари ҳорий йилнинг 10 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-12-61; 244-37-87; 244-11-64.

